***Қимматли қоғозлар ҳақидаги саволларга «Женерел пул» сармоялар бозори қатнашчилари ўзаро тараққиёт корпорацияси очиқ турдаги акционерлик жамиятининг президенти Шомансур АЪЗАМОВ жавоб беради:***

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

**— Қарз облигациялари нима?**

— Қарз облигациялари уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятларини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Улар қуйидаги турларда чиқарилади:

республика ички заёмларининг (қарзларининг) ва маҳаллий заёмларнинг (қарзларнинг) облигациялари;

корхоналарнинг облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларининг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамиятлари чиқарилган барча акцияларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейингина устав фонди миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган суммада облигациялар чиқаришлари мумкин.

**— Акция ва облигация ўртасидаги фарқ нималардан иборат?**

— Акциядор эмитентнинг акциясини сотиб олган пайтдан бошлаб унинг эгаларидан бирига айланади. Облигация сотиб олган инвестор эса эмитентнинг кредиторига айланади.

Облигациялар бўйича фоиз даромадлари акциялар бўйича дивидендлар тўланишидан аввал мажбурий равишда (эмитентнинг молиявий аҳволидан қатъи назар) белгиланган муддатда ва тартибда тўланилиши шартдир.

Облигациялар эмитент тугатилган пайтда унинг фойдасини ва активларини тақсимлаб олишда акциядорларга нисбатан устивор ҳуқуқга эга.

Облигациялар бўйича фоиз даромадлари маълум муддатгача тўланиб борилади. Акциялар бўйича дивидендлар эса эмитент тугатилмагунича тўланиб борилавериши мумкин.

Ўзбекистонда облигациялар бозори эндигина шаклланиш арафасида турибди. Чет эл мамлакатларининг тажрибаси эса бу турдаги қимматли қоғозлар капиталини жалб қилишнинг энг муҳим ва самарали манбаи эканлиги ҳақида далолат бериб турибди. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида облигациялар пул маблағларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилишда зарур восита бўлиб хизмат қилади. Бунда облигациялар эҳтиёткор инвесторлар учун ўз капиталларини фойда берувчи фаолият йўналишларига сармоя сифатида беришнинг хавф-хатардан ҳоли усулларидан бири бўлиб хизмат қилади.

*1996 йил — Амир Темур йили*

# БОЙ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА



Амир Темур тарихда шу қадар нодир, бебаҳо маънавий хазинаки, бу хазина узоқ вақт эл кўзидан пинҳон тутилди. Амир Темур фақатгина Марказий Осиё мусулмон олими ёки туркий халқларга мансуб эмас, балки у жаҳоншумул шахсдир. Шукроналар бўлсинки мустақиллик йилларида номлари унутилаб бораётган миллий қаҳрамонларимиз, буюк шахслар, буюк давлат арбоблари номлари оқланиб, уларнинг фаолияти ҳаққоний равишда ўрганила бошланди. Амир Темур қарийб 130 йил давомида Мовароуннаҳрда тушкунликка ва ҳалокатга юз тутган Чиғатой улуси ўрнига элни ўз туғи остида бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам берди, кучли, марказлашган мустақил, феодал давлатга асос солди. Ҳозирги кунда биз Темур ва темурийлар даври, Улуғбек ва Самарқанд академияси, Алишер Навоий ва Бобур каби буюк шахсларни нафақат ўзбек халқи, балки дунё халқлари тарихи саҳифаларида учратар эканмиз, бунинг асосида Амир Темурнинг алоҳида ўрни борлигидан фахрланамиз.

Буюк саркарда Амир Темурнинг ҳалоскорлик хизматларидан Европа халқлари ҳалигача ўз миннатдорчилигини билдириб келмоқда. Тўхтамишхонни енгиб, Русия халқларини мўғуллар истибдодидан қутулишни 300 йилга тезлаштирган бўлса, ўша даврда кучли подшоҳ ҳисобланган турк султони Йилдирим Боязиднинг мағлубияти Болқон ярим оролидаги қатор мамлакатлар ва халқларни турклар зулмидан озод қилди, Франция, Олмония, Англия каби давлатлар турклар босқини хавфидан қутилдилар...

Ана шу тарихий далилларни кўз олдимизга келтирганимизда буюк соҳибқирон бобомизнинг улуғ хизматларига яна ва яна бир бор тахсинлар айтиб, 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилинганини халқимиз дилидаги айни муддао эканлигини алоҳида таъкидлагимиз келади. Бинобарин буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналарини муносиб ўтказиш халқ таълими ходимлари олдидаги ҳам муҳим вазифадир. Улар ўз иш режаларини «Амир Темур йили»га бағишлаб, соҳибқирон босиб ўтган ибратли йўлни, бой маънавий меросини ёшларга ҳаққоний равишда етказишлари зарур. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўқитувчилар малака ошириш институти томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди. Шаҳар умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида Амир Темурнинг юбилей тантаналарини ўтказиш тадбирлари бошлаб юборилди. Жумладан, шу кунгача шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича услубий тавсиянома, бошланғич синф ўқитувчилари учун адабий кеча ўтказишнинг сценарийси ва тавсияномаси тайёрланиб жойларга етказилди. Бундан ташқари бир қатор таълим муассасаларида тантанали кечалар, семинар ва очиқ дарслар ўтказилди.

Хусусан, Чилонзор туманидаги 162, 200, Мирзо Улуғбек туманидаги 241, 248-мактабларда намунали очиқ дарслар, кечалар уюштирилди. Бунда асосан Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, илм-фан, маданиятни ривожлантиришдаги буюк хизматларига алоҳида эътибор берилди. Яқинда шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институти услубшуноси Мукаррам Мўйдинова Юнусобод туманидаги 63-мактаб ўқувчилари билан Амир Темур ҳайкали пойида очиқ дарс ўтказди. Бу дарсда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов иштирок этдилар. Бинобарин Абдулла Ориповнинг Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни, унинг бунёдкорлик фаолияти ҳақидаги суҳбати, Теша Мўминовнинг соҳибқирон тилидан сўзлаган гаплари ўқувчи ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Биз ҳозирги кунда ўқувчиларда Амир Темурнинг буюк давлат асосчиси, илм-фан ҳомийси, бунёдкор шахс экани ҳақидаги тасаввурни уйғотмоқдамиз. Шу ўринда соҳибқирон ҳақида Шарафиддин Али Яздий битиб кетган ушбу сўзларни келтириш жоиз: «Чингизхон қайси вилоятлар ва шаҳарни босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолдию на улусдан хабар. Ҳазрат соҳибқирон бахтиёр замонида фатх этилган жойлар аҳволи олдингисидан яхши ва ободонроқ, халқ эса тинч-тотув хурсанд бўлди...»

Дарсларда Амир Темурнинг ватанпарварлик хислатига катта эътибор берилмоқда. Она ватани Шаҳрисабз, давлат пойтахти Самарқандда қурдирган меъморий обидалар, Оқсарой, отаси, ўғлига атаб қурдирган мақбара-ю масжидлар, ҳозирги кунда бутун дунёни лол қолдираётган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуидаги қатор мақбаралар шахсан Амир Темур фармони ва раҳбарлигида қурилган. Соҳибқироннинг шундай ватанпарварлик хислатига бағишланган дарслардан бирини Ўзбекистон халқлари тарихи музейида Туркия билан ҳамкорликда ўғил болалар лицейи ўтказишди. Мустақиллик йилларида мазмунан бойитилиб, янгидан очилган бу музей ёшларни ватанпарварлик, тарихий ҳақиқат, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда катта аҳамит касб этмоқда. Музей кўргазмалари орасида Амир Темур фаолиятига оид манбалар лицей ўқувчиларида катта таассурот қолдирди. Улар орқали ўқувчилар Амир Темурнинг ҳарбий санъат соҳасидаги маҳорати, буюк давлат тузишдаги тажрибалари, бутун оламни лол қолдириб келаётган тарихий обидалар раҳнамоси эканлиги билан танишдилар.

Юбилей тадбирларини ўтказиш ҳозирги кунда қизғин давом этмоқда. Жумладан шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан Собир Раҳимов туманидаги 133-мактабда катта тантана ўтказилмоқда. Яқинда Алишер Навоий номли театр майдонида ўтган шаҳар меҳнат фани ўқитувчиларининг ижодий ишлари кўриги, Яккасарой туманидаги 26-мактабда ўтадиган очиқ дарс ҳам соҳибқироннинг таваллуд тўйига бағишланди. Айни кунларда Юнусобод туманидаги 9, 88, 21, 105 ва бошқа туман мактабларида ҳам буюк саркарда Амир Темур таваллудини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Дарҳақиқат, Амир Темур қолдирган маънавий бойликни қанчалик кўп ўргансак, шунча кўп очилмаган қирралари пайдо бўлади. Бинобарин соҳибқироннинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, ўқиб ўрганиш, ҳаётга тадбиқ қилиш барча Ўзбекистон фуқароларининг бурчидир.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи, педагогика фанлари доктори.*



# ТОШКЕНТДАГИ ЯНГИ БИРЖА МАРКАЗИДА

**Суратли лавҳа**

***Шаҳримизда ноёб қурилишлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунинг биргина мисоли сифатида Наврўз байрами арафасида Тошкентимиз марказида фойдаланишга топширилган Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси биржа марказини олишимиз мумкин. Ўзбек Давлат филармониясининг собиқ биноси ўрнида бунёд этилган бу муҳташам бинони қайта тиклаш ва таъмирлаш ишига жуда кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳисса қўшишди. Улар орасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қурилиши, республика колхозлараро қурилиш ташкилотлари, «Демир» фирмаси бунёдкорлари бор. Шунингдек бино қурилишида шаҳримиздаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти ва «Ўззлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти жамоаларининг ҳам муносиб улушлари бор.***



Бинода бир-бири билан боғлиқ бўлган учта марказ жойлашганки, зеро уларни алоҳида-алоҳида тасаввур этиш ҳам қийин. Масалан, энг юқори — учинчи қаватдан Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси ўрин олган бўлса, иккинчи ва биринчи қаватларда республика «Тошкент» фонд биржаси ва «Вақт» миллий депозитарийси жойлашган. Агар кўчмас мулк биржаси давлат ва жамоат мулкларини хусусийлаштириш билан шуғулланса, «Тошкент» фонд биржаси қимматли қоғозлар савдосини йўлга қўяди. «Вақт» миллий депозитарийси эса қимматли қоғозларни сақловчи хазина ҳисобланади. У фонд биржалари, банклар билан мустаҳкам алоқада бўлади. Унинг ёрдамида ҳар бир ҳиссадорлик жамияти қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни тезкор усулда олиш имкониятига эга бўлади.



— Бизга ҳар томонлама қулай бўлган шундай улкан бинони таъмирлаб, янгилаб берган қурувчилар ҳимматига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, — дейди республика кўчмас мулк биржаси бошқаруви раисининг ўринбосари Абдулла Раҳматов. — Илгари ўзимизнинг мустақил биномиз йўқ эди. Маяковский кўчасидаги бир ночор бинода ижарага ўтирардик. У ерда йиғилишлар, кимошди савдоларини ўтказиш учун шароит йўқ эди. Ушбу қийинчиликларимизни ҳисобга олиб бизга ғамхўрлик қилган ҳукуматимизга чин дилдан раҳмат. Мана шундай эътибор туфайли барча югур-югурларга чек қўйилди. Ҳар томонлама қулай бинода фаолият кўрсата бошладик. Юринглар, мен сизларни бўлимларимиз жойлашган хоналар ва уларнинг ишлари билан яқиндан таништирай.

Замонавий жиҳозлар билан безатилган бир хонага кирдик. Бу эълонлар ва кимошди савдоларини ўтказиш бўлими экан. Унга ўз касбининг мутахассиси Алишер Шомансуров бошчилик қилади. Хонадан барча керакли техникалар ўрин олган. Рўпарадаги компьютерда яқинда кимошди савдосига қўйиладиган мажмуалар рўйхати акс этиб турибди.

— Бўлимимиз, умуман биржамиз йўналишининг асосини ишбилармон, тадбиркор ва бизнесменларга қулайлик яратиб бериш, уларга енгиллик туғдириш ташкил этади, — дейди бизга бўлим мудири. — Бир мисол. Айтайлик, сиз Бухородан меҳмонхона сотиб олмоқчисиз. Бунинг учун у ерга бир неча бор овора бўлиб бориб келишингиз шарт эмас. Шу ҳақдаги барча тегишли ҳужжатларни биржамизга топширсангиз бас, ишингиз битди ҳисоб. Фақат кимошди савдоси куни, яъни бахтингиз кулиб боқадиган куни у ерга ташриф буюрасиз холос. Бу хизмат учун бизнинг ҳисобга кимошди савдосидан тушган маблағнинг 10 фоизи ўтказилади. Брокерлик хизматидан тортиб, техникавий ёрдамларгача бўлган барча харажатлар шу ҳисобга киради. Шунингдек кимошди савдоси учун эълонлар бериш муддати ҳам қисқарган. Масалан, олдин эълонлар 21 кун илгари бериларди. Ҳозир бу муддат ўн кун қилиб белгиланган.

Биз компьютерда ёзилган «29» рақами ва унинг рўпарасидаги ёзув билан қизиқдик. Мутахассисларнинг тушунтиришларича у 29 март куни, кеч соат олтида ушбу марказда ўтадиган биринчи кимошди савдоси ҳақидаги ахборот экан. Шу куни белгиланган соатда шу ерда Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси томонидан биржа марказига тақдим этилган республикамиз таниқли рассомлари асарларининг кимошди савдоси ўтказилар экан.

— Тақдимот руҳида ўтадиган бу йиғилишда чет эл элчихоналарининг вакиллари, ҳокимият хизматчилари, тадбиркор, ишбилармон ва бизнесменлар таклиф этилади. Шу куни улар кимошди савдосида қатнашиш билан бирга биржамиз йўналиши билан ҳам яқиндан танишадилар, — дейди Абдулла Раҳматов бизга тушунтириш бериб.

Республика кўчмас мулк биржаси давлат ва умумжамоа мулкларини хусусийлаштириб беришга хизмат қилади. Масалан корхона, меҳмонхона, ресторан, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, банкротга учраган корхоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, ер участкаларини шахслар томонидан сотиб олинишида марказ воситачилик ролини ўйнайди.

Ҳозир биржада қирқдан ортиқ мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унинг 14 та шохобчаси ишлаб турибди. 57 та брокерлик идораларида ўз ишига садоқат билан ёндошадиган кишилар ўтиришибди.

— Марказимизда брокерлар учун ҳам зарур бўлган қулайликлар яратилган, — дейди Абдулла Раҳматов. — Бинонинг биринчи қаватида нотариал идораси ишлаб турибди. Унинг хизматидан биржага аъзо бўлишни истаган барча кишилар бемалол фойдаланишлари мумкин. Масалан, улар 12 минг сўмлик бадал пулини ва аъзолик учун лозим бўлган барча ҳужжатларни шу идорада расмийлаштиришлари мумкин. Олдинлари бундай ишлар анча-мунча оворагарчиликлар билан битарди. Энди бунга чек қўйилди.

Республика кўчмас мулк биржасида ўндан ортиқ бўлим фаолият кўрсатмоқда. Филиаллар ишини мувофиқлаштирувчи бўлим, ахборот бўлими, брокерлар билан ишлаш бўлими шулар жумласидандир. Ҳар бир бўлим ўз компьютер цехига эга. Бу техникалар ёрдамида бўлимларнинг йўналишлари бўйича иш юритилади.

Биржанинг кимошди савдоси, турли учрашувлар, матбуот йиғилишлари ўтказиладиган залига кирдик. Ҳар томонлама қулайлиги, бежирим ва кўркамлиги билан улкан кошонани эслатадиган бу зал чет эл жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда юздан ортиқ брокерлик ўрни ва мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти билан алоқа ўрнатиш учун алоҳида ўринлар бор. Биржа савдосида бир вақтнинг ўзида компьютер орқали акциялар, кўчмас мулк сотиб олиш ва қимматбаҳо қоғозларни миллий депозитарийда сақлаш учун рўйхатдан ўтказиш мумкин. Ҳар бир ишчи ўрни биттадан компьютерга эга. «Ақл»ли машиналар орқали сиз ўзингизга керакли бўлган маълумотларни тўла-тўкис олишингиз мумкин.

Зал тўрида катта табло ва экран жойлашган. Таблонинг бўйи 10 метр, эни 1 метру 60 сантиметрни ташкил этади. Унда кимошди савдосига тўпланган тадбиркор ва бизнесменлар учун зарур маълумотлар қайд этиб турилади. Уч ва тўрт метрли экранда эса сотувга қўйилган жой ёки мажмуанинг видеотасвири акс эттирилади. Бундай кимошди савдоларида истаган кишилар иштирок этишлари мумкин.

— Яқин кунларда марказимизда яна бир тадбир ўтказишни режалаштириб турибмиз, — дейди Абдулла Раҳматов сўзини давом эттириб. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги билан келишиб туриб шаҳримизда фойдаланилмай қолган кинотеатрларни кимошди савдосига қўймоқчимиз. Бундай кинотеатрлардан ҳозир учтаси рўйхатга олинган. Улар шаҳримизнинг Ҳамза ва Мирзо Улуғбек туманларида жойлашган. Шунингдек, яқин орада қимматбаҳо ноёб буюмлар бўйича ҳам кимошди савдосини ўтказиш ниятимиз бор.

Хуллас, пойтахтимиз марказидаги мазкур муҳташам бино яқин орада нафақат шаҳримиз, балки республикамиздаги барча тадбиркор ва бизнесменларнинг энг севимли даргоҳига айланиб қолишига ишончимиз комил.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



*СУРАТЛАРДА: биржа марказидан лавҳалар акс эттирилган.*
*Леонид Гусейнов ва Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Ҳозирги пайтда алоқа тизимидаги муаммолар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топиб бормоқда. Шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Моҳира АБДУЛЛАЕВА билан шу хусусда суҳбатлашдик.***

*Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

# ТЕЛЕФОН: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

— Хабарингиз бор, — дейди М. Абдуллаева, — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги 303 қарори бўйича Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацияси тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда таъмирдан чиқариш ва ривожлантириш дастури тасдиқланган. Шу қарорга кўра, алоқа соҳасидаги кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кўп йиллардан бери ишлаб келаётган, бугунги кунда таъмирбоп автомат- телефон станцияларининг техник қурилмалари қайта жиҳозланмоқда, янгилари ўрнатилмоқда. Хуллас, ҳамшаҳарларимизнинг телефонда сўзлашув масалаларига боғлиқ бўлган барча муаммоларини изчиллик билан ечиб бормоқдамиз.

**— Моҳира опа, биринчи саволни абонентларнинг ҳақли эътирозларидан бошламоқчимиз. Кўпинча улар шаҳар телефон алоқалари ишидан норози эканликларини баён этишади...**

— Улар ҳақ эканликларини тан олиш керак. Биринчи сабаби, Тошкент шаҳридаги телефон тармоқлари қурилмаларининг ўта даражадаги эскириб, издан чиқиб кетганлигидадир. Ҳозир барча куч-ғайратимизни мана шу муаммони ҳал этишга қаратганмиз. Бунинг учун қатор тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Уларни бирин-кетин амалга оширишга киришдик.

**— Телефонда сўзлашув ҳақи бир ой учун 60 сўмни ташкил этади. Бироқ баъзи АТСларда янги тартиблар жорий этилган экан. Шу масалага ойдинлик киритиб берсангиз.**

— Ҳақиқатан ҳам яқинда тўловлар бўйича ўзгаришлар киритганмиз. Шаҳримизда аслида 6 та телефон тармоғи мавжуд. Ҳамза тармоғи «2», «3»; Собир Раҳимов тармоғи «4»; Мирobod тармоғи «5»; Мирзо Улуғбек тармоғи «6»; Чилонзор тармоғи «7»; Янгиобод тармоғи «9» рақамлари билан бошланади. Янги тартиблар эса Ҳамза телефон тармоғи (36-АТС) ҳамда Собир Раҳимов телефон тармоғи (44-АТС)да жорий этилди. Мазкур телефон тармоқлари, яъни станциялари қайта жиҳозланиб, электронлаштирилган. Бу тармоқлардан фойдаланувчи абонентлар учун ойлик тўлов 42 сўм қилиб белгиланди. Яъни 180 дақиқага мўлжалланган. Абонентнинг сўзлашув жараёни 180 дақиқадан ошганда ҳар дақиқа учун 30 тийиндан қўшимча ҳақ тўлайди. Бу тизим тараққий этиб бориши натижасида телефон тармоқларини узоқдан-узоқ банд қилишлар, бир-бирларига халақит беришлар, бошқа ёққа тушиб қолишлар каби ҳолатларга барҳам берилади. Кишилар телефонларни қанча кам банд қилсалар, бошқалар ҳам шунча тез бирбирлари билан эркин боғланадилар. Негаки қанчадан-қанча одамлар зарур юмушлари билан керакли кишилари билан боғлана олмай турган бир вақтда кимдир бемалол, бамайлихотир бирор яқини билан узундан узоқ гаплашаётган бўлади. Чет элда эса бундай эмас, сўзлашувчилар телефон тизимларини кўп банд қилмай, узоғи билан 2—3 дақиқа оралиғида ишларини битирадилар. Хуллас, телефонда гаплашиш одоби ва маданиятига эътибор бериш зарур.

**— Эртанги кунда бу соҳа янаям тараққий этиши йўлида нима ишлар қилинаяпти?**

— Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Германиянинг «Ал-кател» ҳамда «Сименс», Япониянинг «Мицуи» фирмалари давлатлараро тузилган шартномаларга кўра, юқорида таъкидлаганимиз, телефонда сўзлашув жараёнларини яхшилашга муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Станциялар бора-бора электронлаштирилади. Англия билан ҳамкорликда тузилган «Бўстон» қўшма корхонамиз шаҳарлараро сўзлашув жараёнини қулайлаштириш мақсадида шиша толали кабеллар ётқизишни режалаштирган.

Муҳими, техник қурилмалар ва хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш кўзда тутилган.

Зоир ТУРСУНОВ.



*«Дўмбробод нон» жамоа корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, новвойларнинг иш фаолиятидан шу ерда истиқомат қилаётган аҳоли жуда-жуда мамнун. Чунки ҳар куни эрта тонгдан, то оқшомгача иссиқ нон пешма-пеш пиширилиб турилади. Бу ишларда бошқа новвойлар қатори Машкура Абдуллаеванинг ҳам катта ҳиссаси бор.*

*СУРАТДА: Машкура Абдуллаева.*

*Ижтимоий ҳимоя — амалда*

# СОҒЛОМ КЕЛАЖАК МАНБАИ

***Соғлом авлод — соғлом келажак манбаи, деб бежиз айтилмаган. Келгусида жамиятимизнинг қандай бўлиши умидимиз ғунчалари бўлган фарзандларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан ҳам республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз ёш авлодга алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқда. Республика Президентининг шу йил 4 мартда «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган Фармони бунинг ёрқин ифодасидир. Мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижтимоий-таъминот бошқармаси пенсия хизматини ташкиллаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари Саида Мусажоновадан болали оилаларга тўланиши кўзда тутилган нафақалар миқдори ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

— Республикамиз фуқароларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш масалалари Президентимиз ва ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан эканлигига ҳаммамиз гувоҳмиз, — деб таъкидлади Саида Мусажонова. — Мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган Фармони болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонни рўёбга чиқариш учун республика бюджетидан кўплаб маблағ ажратилади. Бу эса ҳақли равишда соғлом авлодни камол топтириш ва тарбиялашда салмоқли ёрдам бўлиб, барча болали оилаларга фарзандлари учун тўланаётган нафақалар миқдорини ошириш имконини беради.

Ушбу Фармонга кўра болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдамни кучайтириш, уларга тўланадиган ойлик нафақа миқдорларини 1 апрелдан ошириш кўзда тутилган. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдорлари қуйидагича оширилади:

1 бола учун — энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;

2 бола учун — энг кам иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

3 бола учун — энг кам иш ҳақининг 120 фоизи миқдорида;

4 ва ундан ортиқ болали оилалар учун — 150 фоизи миқдорида, яъни, бугунги кунда энг кам иш ҳақи миқдори 400 сўм бўлиб, унинг 40 фоизи 160 сўмни ташкил қилади, демак:

1 болали оилага — 160 сўм миқдорида;
2 болали оилага — 220 сўм миқдорида;
3 болали оилага — 480 сўм миқдорида;
4 ва ундан кўп болали оилага 600 сўм миқдорида нафақа тўланиши лозим бўлади.

Шунингдек, 1 апрелдан бошлаб бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойда тўланадиган нафақалар миқдори энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида белгиланган. Ҳозирги энг кам иш ҳақи — 400 сўмдан иборат. Унинг 150 фоизини ҳисоблайдиган бўлсак 600 сўмни ташкил этади.

Суҳбатни Мавлуда МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.

